

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

---

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

5-2018  
ОКтябрь

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

---

## ФАЛСАФА, СИЁСАТ

---

### **Н.ХОЛМИРЗАЕВ**

Баркамол инсонни шакллантиришнинг асосий омиллари .....80

### **С.ЮЛДАШЕВ, Ҳ.АҲМЕДОВА**

Жамиятни илмий бошқаришнинг баъзи масалалари .....83

### **Н.ХАКИМОВ, А.АБДУМАЛИКОВ**

Ривожланишнинг янги босқичи шароитларида кадрлар тайёрлашни такомиллаштириш .....86

---

## АДАБИЁТШУНОСЛИК

---

### **Қ.ЮЛЧИЕВ**

Хроңотоп – лирик композиция асоси (Шамшод Абдуллаев шеърлари мисолида) .....89

### **С.ЖУРАЕВА**

Лутфий тўртликлари ҳақида баъзи мулоҳазалар .....92

### **Э.НАСРУЛЛАЕВ**

Алишер Навоий феномени ва жадид адабиёти намояндалари .....98

### **Р.ДАМИНОВА**

Туркий шеърятда ғазал .....102

---

## ТИЛШУНОСЛИК

---

### **Ш.ИСКАНДАРОВА, А.РАСУЛОВА**

Тўсиқсизлик категорияси ва тил мазмуний структураси хусусида .....106

### **З.АЛИМОВА**

Ўзбек тилига форс-тожик тилларидан ўзлашган *но-* префиксли сўзлар хусусида .....109

---

## ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

---

### **Ш.ДЖУМАНОВ**

Бўлажак ўқитувчининг шахс бўлиб шаклланишида коммуникатив қобилият моҳияти .....113

### **Л.ШУКУРОВА, В.УМАРОВА**

Ўзбекистон ҳудудида ганчкорлик санъати тарихий ривожланиш босқичларининг илмий асослари .....117

---

## ИЛМИЙ АХБОРОТ

---

### **Х.ЭШЧАНОВ, А.САРИМСАҚОВ, М.БАЛТАЕВА, М.НУРМАТОВА**

Полифункционал гемосорбент олиш усули .....121

### **Н.ОЛИМОВА, А.МИНОЖИДИНОВ**

Қорхонанинг амалий фаоллиги ва самарадорлик кўрсаткичлари ҳамда инновацияларнинг ўзига хос хусусиятлари .....123

### **М.АБДУЛЛАЕВА**

Ибратнинг жамиятшуносликка қўшган ҳиссаси .....126

### **А.КОСИМОВ**

Ёзувчи Т.Мурод услубининг ўзига хослиги («Отамдан қолган далалар» романи мисолида) .....129

### **М.УСМОНОВА**

Тилнинг пайдо бўлиш муаммосига оид қарашлар .....131

### **Р.АБДУЛЛАЕВА**

Оламнинг лисоний манзараси .....133

### **М.А.НАЗРАЛИЕВА, М.О.ОРИПОВА**

Ўқиш кўникмасини шакллантиришдаги муҳим ва самарали стратегиялар .....136

### **Ш.АБДУЛЛАЕВ**

Аҳил қўшничилик муносабатлари тарихий - маданий жараён сифатида .....140

---

## АДАБИЙ ТАҚВИМ

---

**Жаҳонга танилган олим** .....143

---

## ТАҚРИЗ. БИБЛИОГРАФИЯ

---

Библиография .....147

УДК: 8-01-1+8-14

## ХРОНОТОП – ЛИРИК КОМПОЗИЦИЯ АСОСИ (Шамшод Абдуллаев шеърлари мисолида)

Қ.Юлчиев

### Аннотация

Мақолада хронотоп лирик шеърятнинг асосий қисми сифатида асардаги образ, пейзаж, деталь каби қисмларни бирлаштириб туриши очиб берилган. Шоир ботинидаги бадиий оламни аниқ макон ва вақтга кўчириб ўтар экан, ўзининг бадиий ниятини ифодалашда хронотоп имкониятларидан унумли фойдаланган.

### Аннотация

В статье исследуется применение хронотопа как основы лирической композиции, объединяющей образ, пейзаж, деталь. Поэт переносит художественный мир, который существует в его внутреннем мире, в конкретное место и время, эффективно используя все возможности хронотопа.

### Annotation

In the article chronotop as the main part of lyrical poetry integrating image, scenery, detail and others is exposed. When poet shifts an artistic world that is in his inner world to the exact place and time, he uses all opportunities of chronotop effectively.

**Таянч сўз ва иборалар:** хронотоп, образ, пейзаж, портрет, деталь, лирик шеърят, макон ва замон, лирик композиция.

**Ключевые слова и выражения:** хронотоп, образ, пейзаж, портрет, деталь, лирическая поэзия, место и время, лирическая композиция.

**Keywords and expressions:** chronotop, image, scenery, portrait, detail, lyrical poetry, place and time, lyrical composition.

Ҳар қандай бадиий воқелик аниқ вақт ва замонда мавжуд бўлиб, лирик шеърятда кечинмалар тифзлиги, фикрлар тезкорлиги аксарият ҳолларда шеърятдаги хронотопни аниқлаш имконини қийинлаштиради. Шунинг учун лирик шеърятдаги хронотопни ҳал этиш адабиётшуносликнинг олдида турган долзарб муаммолардан саналади.

Тўғри, бу борада баъзи аниқ фикрлар айилган. Хусусан, Гегелнинг фикрича, “Поэтик тасаввур ва руҳда юзага келувчи яққолликнинг ўзи поэтик тасвирнинг ҳақиқий элементини ташкил этади, бу элемент санъатнинг барча шакллари учун умумий саналади, шундай экан, поэзия ҳам барча бу шакллар орқали ўзини ифодалайди ва шу асосда эркин ривожланади. Поэзия ўз-ўзини рўёбга чиқаришда ботинан эркин ва ҳиссий материал билан алоқадор бўлмаган руҳнинг, тасаввур ва ҳиссиётларнинг фақат ботиний макони ва ботиний замонида мавжуд бўлган руҳнинг энг умумий санъатидир” [1.72]. Мазкур фикрдан маълум бўляптики, бадиий тасаввур, руҳ ва поэтик тасвир бирлиги, лирик шеърят ва унинг асосий предмет-воситаси бўлган тасаввур ҳамда ҳиссиётнинг ботиний замон ва ботиний макони мавжудлиги масаласи санъатда эътироф этилган. Бу ердаги ҳиссий материал билан ҳиссиёт ҳис-туйғунинг икки қирраси бўлиб, бири моддийлик, яъни асосан ташқи восита саналади. Лекин олим айтганидек, руҳга алоқадор бўлмаган эмас, балки алоқадордир. Чунки инсон қалбида ҳис-туйғу уйғотадиган

материалга нисбатан ҳиссий муносабат шаклланади. Масалан, чиройли очилган гулни кўриб, маълум муддат унга ҳиссий алоқада бўламиз. Шунинг учун ҳиссий материалга ҳар қандай ҳолатда ҳам муносабат билдириш мумкин. Лекин у ташқи восита, холос. Иккинчиси эса субъектив оламда намоён бўладиган ҳис-туйғу, кечинмалар мажмуаси ҳисобланади. Масалан, Шамшод Абдуллаевнинг “Қишлоқ чоллари” номли шеърда бу ҳолатни аниқ кузатиш мумкин [2.12]:

*Этик кўнжидаги қамчи,  
хотиротга нақшбанд нигоҳ.  
Бесўнақай, бироқ, сергак оёқлар,  
остида кучукдай гужанак ҳаёт.*

Келтирилган парчада шоир ботиний макони ва замонидаги чоллар тасвири берилган. Улар этик, қамчи, хотира, нигоҳ, оёқ, ҳаёт деталлари ёрдамида шоирнинг ички оламини ифодалаган. Шоир учун бошидан кўп воқеалар ўтган, кўзларидан бутун халқ хотираси кўриниб турадиган, этиклари кўнжига қамчи тиқиб олган сергак чоллар реал ҳаёт эгаси бўлиб, уларнинг оёқлари остидагина ҳаёт кучукдай беозор ётибди. Бу ерда бир қарашда аниқ макон ва замон йўқдай туюлади. Ҳатто, мавзу узук-юлуқ тасвирларда ифодаланган. Улар ҳам аллақандай тушунарсиздек туюлади. Лекин шоир ботинида улар ягона макон ва замонда мангу мавжуд бўлиб, бу, Ватан тасвирининг ёрқин образи ҳисобланади. Лекин

Қ.Юлчиев – ФарДУ, филология фанлари бўйича фалсафа доктори.

ушбу тасвир кейинги бандда жонланади, ўқувчи идрокида синтезланиб, унинг ботиний маконига кўчади. Натижада уларнинг овозини эшитиш, ҳатто, иззатнинг гўзал жомига урилишини тинглаш имкони юзага келади:

*Уларнинг овози – иззатнинг*

*тилла жоми тубига*

*урилган томчининг ҳорғин зарбаси.*

Шоир тасавурида жонланган ботиний макон ва замон ўқувчига завқ беради. Унинг ҳам тасавурида ўзбек чоллари қиёфасини жонлантиради. Шу ерда лирик композициянинг асосини ботиний макон ва замон ташкил этиши исботини топади. Шеърнинг давомида шоир ана шу асосда чоллар саратон соясини алмаштиришлари, ўрик тагида ўтиришлари, йўллар қилга айланиши, қушлар, пиёладаги чойдек илиқ меҳр ва майин кулги орқали сокин, салобатли ҳаёт тасвирини берар экан, буларга асосий кафолат сифатида чоллар тасвири бўрттириб тасвирланган. Шу ерда шоирона нигоҳ билан реал замон ва макон лирик субъект руҳиятидаги озодлик туйғуси билан қўшилиб кетган. Тўғри, у чоллар тасвири, саратон сояси, ўрик, унинг остида чой ичиб дунё муаммоларини ҳал этаётган оқсоқоллар ифодасида миллий белгилар бор. Бироқ, ана шу миллий тасвирлар биринчи галда умуминсоний қадрият саналган тинчлик, ўз ҳаётидан мамнунлик, табиатга меҳр каби қатор ғоялар билан бирлашиб кетадики, шоирнинг миллий қобикда туриб умуминсоний муаммоларни ёритганига гувоҳ бўламиз. Бу ерда биз учун биринчи галда шоир яратган лирик композиция аниқ макон ва замонга эгаллиги бўлса, иккинчи ўринда шеърнинг пейзаж ва портрет усули орқали тасвирланшидир. Демак, лирик структурада макон ва замон мавжуд бўлиб, у аниқ шахслар портрети (бу ерда чоллар) ва аниқ жой тасвирида ўз ифодасини топган. Тўғри, шеърдаги тасвирда рангтасвир санъати ва эпик тасвирга хослик ҳам мавжуд. Масалан, қуйидаги сатрлар фикримизга исбот бўла олади:

*Вазмин пешин.*

*Кўкда қушларнинг*

*елпиғичи ям-яшил.*

Шунингдек, Гегель санаб ўтган лирик шеърятнинг уч асоси – руҳ, тасаввур ва ҳиссиёт ҳамда уларнинг ботиний замон ва ботиний маконда яхлитлиги шеърга ўзгача руҳ берган. Пешин биринчи ўринда, ислом динига эътиқод қилувчи аҳолининг тушки ибодат вақтини билдирса, иккинчи ўринда шу пайтда табиатда юз берадиган ёзги сокинликни ҳам билдиради. Шу пайтда дарахтлар атрофида учиб-қўниб учган қушларнинг қанотлари гўё

елпиғичдек салқин ҳавони ҳаракатга келтиради. Бу қанотларга ям-яшил сифатининг берилиши эса, бу ҳавода яшаш завқи, тириклик лаззати яширинганлигига ишора бор. Шу ерда у ўрик дарахти остидаги чоллар ўтирган давра, соя, иссиқ пиёла билан яхлит композицияни ташкил этган. Бу эса тинч ва осуда ҳаёт белгиси сифатида умуминсонийлик касб этади. Шу ерда лирик хронотоп лирик композициянинг асосини ташкил этиб, унга пейзаж, портрет, эпитет, метафора ёрдамида шакл ва мазмун бирлиги бағишлаганига гувоҳ бўлиш мумкин.

Шоир “Оқшом” сарлавҳали шеърда эса “ҳовли” макони ва “оқшом” вақти орқали ҳаётсеварлик ғоясининг гўзал намунасини яратган [2.13-14].

*Август, август.*

*Ҳовли ичкарасида*

*хўрозлар ғалаёни.*

*Бебош мушук*

*ток сўрисида нимадир излар.*

*Лаззатнинг ипак қирраси каби*

*сени тилиб ўтар қовун тилими.*

Шеърнинг биринчи қатори экспозиция вазифасида келган бўлиб, вақтни билдиради. Ҳовли макон бўлиб, шоир ундаги хўроз, ток сўрисидаги мушук деталлари орқали ўзбек хонадонидаги аниқ ҳолатни ифодалайди. Чунки хўроз (демак, товуклари ҳам бор) боқиладиган хонадон етти хазинанинг бирига эга, демак, аниқ ҳаётий мақсадга эга, орзулари ўзига мос ва хос бўлган кишилар яшашига ишора берса, мушукнинг ерда эмас, ток сўрисида юриши хонадонда шўх бола борлигига ишора бўлиб, у завқи ўзига сиғмай мушукнинг тепада юришига кетмайди. Чунки бу маконда файз бор. Қовун тилимининг лаззатли таъми лирик субъект мурожаат қилаётган шахснинг тинчи, “бузгани” эса муаммо деб, олиними мумкин. Нима бўлганда ҳам шоир аниқ жой ва вақтни ифодалаш орқали ўқувчига пейзаж ёрдамида лирик кечинмани етказишга уринган. Лекин “Телефон жиринглар” мисраси эса одамлар бу макондагилар билан алоқада бўлиб туришлари, демак, ҳаётга ташналик, инсонпарварлик борлигини билдиради. Кейинги мисралар эса лирик субъектнинг айб иш қилгани, хатога йўл қўйганига ишора қилади:

*Ёнингда оғаннинг қаттиққўл меҳри*

*ва совуб қолган чой.*

Лирик субъект қаттиққўл акасида чўчийди ва унинг меҳрини ҳис қилади. Адашганлиги учун иккаласи чой устида муносабатларига ойдинлик киритишмоқда. Лекин бу ерда лирик субъект хафа, чойнинг совуқ эпитети билан берилиши бунга аниқлик киритади. Лекин сабаб кўринмайди. Кейинги

## АДАБИЁТШУНОСЛИК

мисралар (*Қушлар жим... Шом чумолилари... Вақт серажин девор ёригида яширин*) лирик композицияда тезис сифатида келади. Бир қарашда уларнинг лирик композициядаги умумий ўрни қовушмагандек туюлади. Бироқ, бу, алдамчи тушунча бўлиб, лирик субъект вақтнинг ўтиши қийин эканлиги, юрагини аллақандай ўй-фикр эзаётганига ишора қилади. Аслида қушлар жим турмайди, лекин лирик субъектнинг қалбига уларнинг саси ёки ҳаракати етиб келмаяпти, вақт ҳам аллақадир яшириниб олгандек, бу ерларда ўтмайди. Шу ерда у шоир вақт ўтади, деган мумтоз поэтик иборасини янада ривожлантириб, уни образга айлантира олган (*вақт нимадандир кўрққандек кўҳна, ташвишлардан ажин босиб кетган девор ёригига яширинган*). Айнан Вақт деталь-образининг ажин босган девор билан бирга келишида лирик субъектнинг ташвишдан юзи ва пешонаси тиришиб турганига мувофиқ келади. Лекин шеър тушқун эмас, балки, умид ва ишонч билан якунига етмоқда:

*Фақат ҳаёт сирли  
шивирдай яқин,  
жуда ҳам яқин,  
тушуняпсанми?..*

Бу ерда шу пайтгача аниқ деталлар ёрдамида тасвирланган макон – ҳовли, сўри ток, қуйилган чой ва ака-уканинг мавжуд эканлигини билдирувчи жой, вақтнинг эса август кунларидан бири, шом пайти эканлиги лирик субъект мржаат қилаётган шахснинг қалбига диққинафаслик, зеркиш, ҳаётдан кўнги қолиш ҳолати кузатилганига ишора қилиб, уни энг яқин кишининг кўнги изҳорини эслашга, ҳаёт завқини туюшга чақиради. Шу ерда лирик сюжет, субъектив воқелик, образ ва деталлар яхлит композицияни ташкил этгани ва улар аниқ макон ва замонда кечаётгани ойдинлашади. Шоир насиҳат қилмайди, дардини айтиб нолимайди, балки, кечинмаларни пейзаж ва тафсилотлар нуқталари ортига беркитиб, лирик композициянинг барча белгиларини бадий кодга айлантирган. Шоир англаган, ифодаламоқчи бўлган мазмун ва ғояни англаш учун ана шу кодларни очиш керак. Унинг калити эса лирик композициянинг асосини эгаллаган хронотопда жойлашган.

Шоир моҳир расом каби ўзбек ҳовлисидаги шом пайтини тасвирлар экан, худди ёзувчи ҳикояда эпик сюжетни анъанавий тарзда ифодалагандек лирик сюжетни аниқ кўрсатиб ўтади. Ўзи англаган фазода янги макон яратиб, унга айна англаган ва тушунган замонга хос кўриниш беради. Натижада ана шу олам конкрет макон ва замон доирасида жонланади. Шу ерда шоирнинг яратувчанлик истеъдоди намоён бўлади. У ўзи мавжуд реал борлиқдан бошқа бир борлиқ яратиб, унга ўзининг бадий-эстетик тушунчаси, тасаввурдан келиб чиқиб, маълум мақсадларни юклайди, ҳаракатлантиради.

Демак, Гегелнинг юқорида келтирилган мулоҳазасини ривожлантириб айтиш мумкинки, шоир руҳиятидаги ботиний макон ва ботиний замон шоир англаган ташқи замон ва макон билан мувофиқ келиб, шеър мазмун ва шаклига оригиналлик бахш этган. Бу оригиналликда шоир ўзи истаган нарса ёки ҳодисани замон ва маконга айлантира олади. Буни шоирнинг *“Ёшинг ўн тўртми, ўн беш...”* деб бошланувчи шеъри мисолида кузатиш мумкин [2.14-15]. Унда кишининг ўсмирлик пайти ва у яшаган макондаги ўзгариш, боланинг идроки ва кечинмасидаги ҳеч кимникига ўхшамаган тушунча, дунёни англашдан юзага келган тасаввурлар маҳорат билан очиб берилади. Уни улғайиш жараёни, балоғатликка ўтиш чоғи, деб аташ ҳам мумкин. Муҳими, шоир лирик воқелик орқали лирик субъектнинг ички дунёсидаги дунёни англаш жараёнининг нозик нуқталарини аниқ деталлар ёрдамида кўрсатган. Бу, қалбда пайдо бўлган илк муҳаббат, илк бор дўст тутиниш ва уни ҳис этиш, бегона одамнинг акалардек меҳрини туйиш, бу жараёнлардаги руҳий ўзгаришлар кишининг ички ибод ва ҳаёсининг диалектик қонунияти сифатида кишини ўзига жалб этади. Лирик субъект ва у орқали шахс психологиясининг нозик нуқталари майда деталларгача чизиб берилади.

Хулоса қилиб таъкидлаш лозимки, хронотоп лирик композициянинг асоси сифатида шеърнинг мазмуний ва шаклий структурасини бирлаштириб туради. Хронотоп шоир бадий идрок этган замон ва маконнинг, ундаги образ, пейзаж, деталлар ҳаракатининг жонли ва ишончли чиқишини таъминлайди.

## Адабиётлар:

1. Гегель. Эстетика. – Т.: Файласуфлар жамияти, 2012.
2. Абдуллаев Ш. Қишлоқ чоллари. // Ўзбек модерн шеърляти. – Т.: Янги аср авлоди, 2003. – 135. [www.ziyouz.com](http://www.ziyouz.com) kutubxonasi

(Тақризчи: А. Сабирдинов – филология фанлари доктори).